

МАДАНИЯТ

№18 (153) 6.05.2021 йил

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Шу кунларда яна бир улуг сана – 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасидамыз. Бу оламшумул воқеа, айниқса, сўнги йилларда ўзгача руҳда нишонланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони, “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосидаги маънавий-маърифий, маданий тадбирларда бугунги тинч, осуда ҳаётимиз учун жон олиб, жон берган ватандошларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Тобора қатори сийраклашиб бораётган уруш қатнашчилари Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар қандай эъзозу эҳтиромга муносиб. Зеро, уларнинг гулгун ёшлиги, айни куч-қувватта тўлган чоғлари жангу жадалларда ўтиб, ҳатто жонларини ҳам аямай курашишган, душман устидан қозонилган ғалабага улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бугунги кунимиз учун улардан қарздормиз



Ўша машғум уруш йилларида қайсидир хонадонда ота, қайси бир хонадонда ўғил, ака-ука деган қутлуг номдан мосуволик ҳам иродасини буқолмаган халқимиз бор аламини меҳнатдан олган, боқувчисини йўқотган етимларнинг бошини силашга ўзларида куч-қудрат тополган буюк қаб эгалари бир бурда нонини ҳам муҳтожлар билан бўлишган экан...

Тўғри, уруш бизнинг мамлакатдан йироқда бўлган, лекин одамлар душманни енгишмаса, улар яшайдиган маконларга ҳам етиб боришини яхши тушунишган. Халқимизнинг жасорати, матонати, инсонийлик фазилати, бағрикенглик маданиятини намён этган уруш йиллари ҳақида оталаримиздан эшитиб улгайдик. Энди биз фарзандларимиз, невараларимизга сўзлаб беришимиз керак, токи улар кимларнинг авлоди эканлигини билиши, қахрамон отабоболари билан фахрлана олишлари керак. Бу борада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган муҳим ҳужжатлар, хусусан, “Ғалаба боғи ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020 йил 9 сентябр) қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Мажмуада ташкил этилган “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументлари кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган

буюк ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садокат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамиятга эга. Буюк Ғалабанинг 76 йиллиги нишонланаётган кунларда ушбу мажмуага ташриф буюрувчиларнинг кўплиги қувонарли. Демак, халқимиз ўз қахрамонларини ҳеч қачон унутмайди.

Қолаверса, байрам муносабати билан фахрийларимизни, уруш қатнашчилари ва фронторти меҳнаткашлари, уларнинг оилаларини йўқлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларни амалга оширишда бажонидил қатнашаётган маънавиятли, маданиятли ёшларимиз бизнинг эртанги кунимиз эканини таъкидлашдан мамнунмиз. Барчангизни ушбу шарафли кун билан муборакбод этиб, юртимиз тинчлиги ва ободлигига кўз тегмасин деймиз! Юртдошларимизнинг хотирлаш ва қадрлашдек улуғ инсоний фазилатлари бардавом бўлсин!

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Маданият вазири

“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”



Санъатсевар ёшларга тухфа

Ёдингизда бўлса, халқимиз севиб томоша қиладиган “Келинлар кўзғолони” кинофильмида шундай эпизод бор: Фармонбиби қўшиқ айтишни яхши кўрадиган ва бу борада дурустгина лаёқатга эга ўғлига тўйларда ашула айтишни тақиқлаб, танбех беради. Шунда у “Қўшиқ айтмасам туролмасам, концертларда, телевидениеда айтишнинг иложи бўлмаса, қаердадир айтишим керак-ку, ахир”, дея жавоб беради...

Тўғри, бир вақтлар бунинг имкони йўқлиги, саҳнада қуйлаш учун жуда кўп синовлар, тўсиқлар учраши бор гап эди. Албатта, бу кечаги куннинг сўзи. Ҳозирги пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва тақлифи билан Маданият вазирилик томонидан мусиқа санъатини янада ривожлантириш, жонли ижрони рағбатлантириш, айниқса, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусикаларининг нодир намуналаридан кенг бахраманд

этиш, улар қалбиде санъатга меҳр ва муҳаббатни янада қучайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган санъат ихлосмандлари орасида ўтказилаётган турли танлов, концерт турлари, фестиваллар шу мақсадга йўналтирилган. Бу каби тадбирларда кашф этилаётган янги-янги овоз соҳиблари, истеъдодли ёшлар юртимиз саҳналарида ўз иқтидорларини намойиш этмоқдалар.

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан юртимиз бўйлаб “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” шиори остида турли маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги “Туркистон” саройининг ёзги амфитеатрида бошланган илк концерт дастури, айниқса, ёшларимизга олам-олам қувонч бағишлади. Унинг очилишида сўз олган Маданият вазири Озодбек Назарбеков жумладан шундай деди:

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Ўзбегимга бегона – ўзбек тилим

2-саҳифада >>



Сурхонимнинг аёл бахшиси

4-саҳифада >>



Ҳеч қачон уруш бўлмасин

5-саҳифада >>

Миллий матбуотда кутубхоначилик

7-саҳифада >>



Донолар сузлайди... >>

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида.

Қаламнинг абадий излари бўлмаганда, халқларнинг хабарларини қайдан эдик?!
Абу Райхон Беруний

Пойдевор

**Соҳа
ривож
йўлида**

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали ташкил этилмоқда. Биламизки, миллий musiқа санъати соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб бориш салоҳиятига эга илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш маданият соҳасидаги олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Нукус филиали ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилган. Хабарингиз бор, шу кунларда маданият вазири Озодбек Назарбеков хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб турибди. Консерваториянинг Нукус филиали фаолияти 2021/2022 ўқув йилидан бошланиши кўзда тутилган

бўлиб, бугунги кунда ўқув даргоҳи биносининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Ташриф давомида Маданият вазири иншоот қурувчиларининг ишлари билан ҳам танишди. Мутасадди ташкилот вакиллари билан ўзаро фикр алмашиб, жараён барча мезонларга тўлиқ риоя қилган ҳолда олиб борилиши лозимлигини таъкидлади.

Шу кун вазири Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида ҳам бўлди. Бу ерда 2021-2022 йилларда қуриб битказилиши режалаштирилаётган 300 ўринга мўлжалланган филиал ётоқхонаси ва ўқув биноларида олиб бориладиган капитал таъмирлаш ишлари билан танишди.



Халқаро ҳамкорлик



Хулоса ўзимиздан

Ўзбегимга бегона — ўзбек тилим

Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида “Тил тўғрисидаги қонун” лойиҳаси кўриб чиқилди... Унда ўзбекларнинг ўз она тилига қарши чиққанларини кўрдим. Миллий тикланиш партияси раиси Алишер Қодировнинг жон фидолиги эса таҳсинга лойик. Аммо бошқа партия раисларининг фикри ўзгача эканлиги одамга алам қилади. Ахир, улар ҳам ўзбек-ку, нахотки қалбларида заррача бўлса-да, миллат гурури йўқ!?

Яқдил ижод

Жорий йилнинг 24 – 28 апрель кунлари Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институтининг профессор-ўқитувчилари ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази устозлари иштирокида ижодий сафар уюштирилди.

Ушбу ижодий ташриф давомида Т.Саттаров номидаги Тожикистон миллий консерваторияси, Тожикистон санъат ва маданият институти ҳамда Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий musiқа санъати институти ўртасида ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди.

Шу ўринда икки давлатнинг санъат олийгоҳлари профессор-ўқитувчи ва талабалари ўртасида ўзаро фикр алмашиш, тажриба ортириш, биргаликда ижод қилиш, мумтоз musiқа санъатини нафақат икки қардош халқ доирасида, балки бутун жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишни таъминлашига ишонч билдиради.

Янги тўғарак



Бахшичилик

Бугун урф-одат ва анъаналаримизни тиклашга, борларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам меросларимиз қаторига киритилган.

Шу муносабат билан Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман маданият бўлими тасарруфидаги Оққўрғон маданият марказида “Бахшичилик” тўғараги ташкил этилиб, ҳозирги кунда унга 10 нафардан ортик ўқувчи-ёшлар ўз қизиқишлари асосида қамраб олинган. Улар устозлардан ушбу йўналиш сирларини ўрганишмоқда.


Мазкур тўғарақ фаолиятини яхшилаш, иштирокчиларга услубий қўлланмалар амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида туман маданият бўлими томонидан амалий ёрдамлар ҳам кўрсатиб келинмоқда.

**Й.АЛЛАМУРАТОВ,
Жарқўрғон туман
маданият бўлими бошлиғи**

Мен икки йилдан буён Кипрдаги Финал халқаро университетининг ҳуқуқ факультетида таҳсил оламан. Мусофир мамлакатда Она Ватанинг, оиланинг, иссиқ ноиларимиз дейсизми, боғчамизда пишган қип-қизил олма, қишлоғимнинг соддагина, қошларига ўсма қўйган қорамғиз қизлари, ҳамма неъматларини бошқача соғинар экан инсон. Буларнинг барчаси бир тараф, лекин мусофир учун барчасидан ёқимлиси бу ўз она тилимизда беш дақиқа бўлса ҳам суҳбатлашиш! Тўғри, тўрт-беш хил тилларда қийинчиликсиз гаплаша оларман, аммо ўзимизнинг она тилимизга не етсин!

Бунга туғилганимдан кейин онамдан эшитган биринчи сўзларим ўзбекча бўлганлиги сабабчи, менимча. Мусофирлик ҳам яхши экан, тарбия, дунёқараш айникса, Ватанга меҳр, ватанпарварлик туйғуларини чин юракдан ҳис қилар экансан инсон. Биз ёшлар кўп тил билсам, чет элларда яшасам, деймиз-у, лекин ўша ҳавас қилганларимиз – чет элликлар она тилларини қанчалик севишини бир кўрсак эди, ўзбек тилимизга нисбатан бошқачароқ муносабат-да бўлармикди!?

Бир кунни ўқишдаги турк дўстларим билан танаффусда қаҳва ичиб ўтирганимизда, инглиз тили дарсимиз ва инглизча суҳбатлашиш мавзусида гап очилди. Шунда Сидре ва Екта исмли дўстларимга савол бердим, “Нега сизлар инглиз тилини мукамал била туриб, дардан ташқари вақтда сира инглизча гаплашмайсизлар? Нега сизлар бошқа тилларни ўрганишга ҳаракат қилмайсизлар? Масалан, мен турк, инглиз, араб, француз, корейс тилларини ўрганишга



ҳаракат қиламан. Сиз турклар жуда лоқайдсизларда”, деб писанда қилдим. Бу саволнинг жавобини олгандан кейин эса қандай ҳолатга тушганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Чунки, уларнинг жавоблари шундай бўлди: “Биз турк бўлсак, бизнинг она тилимиз ҳам туркча. Колаверса, келажакда биз турк ҳуқуқшунослари бўлаемиз. Тўғри, университетимиз халқаролиги учун дарсларимиз ҳам инглизча бўлиши мумкин, инглиз тилини мукамал билишимиз шарт. Бироқ нега энди дарсдан ташқари вақт она тилимизда суҳбатлашмайлик? Биз лоқайд эмасмиз, шунчаки она тилимизни севамиз холос! Кимдир биз билан дарсдан ташқари вақтда суҳбатлашмоқчи, турк ҳуқуқи ҳақида маълумотга эга бўлмоқчи бўлса, марҳамат, бош устига. Лекин олдин туркча ўрганиб келисин, аслини олиб қараганда биз инглизча эмас, инглизлар туркча ўрганиши керак! Мана сен ҳам туркча гапиряпсан-ку!” – деди. Худди шу пайтда биздан ўн метрлар чамаси узоқликда икки ўзбек дўстларим русча гаплашиб ўтирарди. Ичимдан бир хис кеч-

дики, тушунтириб беролмайман... Яқинда Ватанимизга қайтдим. Аэропортда юларим алмашиб қолгани сабабли масъул ходим билан гаплашиб, муаммоимни ҳал қилишим керак эди. Хонаси қаердалигини сўраб, ёнига кираётган эдим, эшик олдида нима қилишни билмай турган бир опага кўзим тушди ва у мента “Синглим, рус тилини биласизми? Туркиядан келдим, жомадонларим алмашиб қолибди, ичкаридаги масъул ходим эса ўзбекча билмас экан, ёрдам бероласизми?” – деди. Чет элда-ку, майли, бу оддий ҳол бўлиши мумкин, аммо Ўзбекистон фуқароси, шу юртда яшаб, давлат тили – ўзбек тили мақомида бўлган бир вазиятда ўз заминимизда муаммоларимизни ҳал қилиш учун таржимон излашимиз қолганди энди...

Азиз юртдошлар, она тилимизга нисбатан озгина меҳрли ва эътиборли бўлсак, ватанпарварлигимизга, халқимизга, келажак авлодларимизга фойдамиз кўпроқ тегармиди... Хулоса эса ўзимиздан.
**Нидо Муҳаммад,
Кипрдаги халқаро финал
университети талабаси**

Давоми. Боши 1-саҳифада

Санъатсевар ёшларга тухфа

– Дунёдаги энг тинч, яшаш учун қулай она Ватанимизда шукроналик билан яшаётган, азиз юртдошлар, кадрли ёшлар! Янгиланаётган Ўзбекистонимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган, ёрқин келажак учун астойдил ўқиб, изланаётган сиз азизларга яхши кайфият, кўтаринчилик бағишлаш биз маданият ва санъат соҳаси ходимларининг асосий мақсадимиздир. Мамлакатимиз синовили кунларни бошидан кечираётган шу лаҳзаларда карантин қоидаларига амал қилган ҳолда турли кўнгилочар тадбирлар, ранг-баранг концерт дастурларини ташкил этиб,


кўнгилларингизга ёруғлик, эзгулик улашишни ният қилганмиз. Президентимиз таъкидлаганидек, дунёни қамраб олаётган “кўринмас ён” билан ёнма-ён яшар эканмиз, унга қарши курашиш учун ўзимизни, атрофимиздагиларни авайлаб, кўрилаётган қатъий чора-тадбирларга амал қилиб, фаолият олиб боришга мажбурмиз, бунга кўникишимиз керак. Маданият вазирилик жамоаси ҳар қандай шароитда ҳам халқ билан бирга, ҳамнафасликда уларга хуш кайфият улашишга қарор қилган. Олдинда қайноқ ёз фасли бизни кутмоқда. Унинг салқин оқшомларида қувноқ куй-қўшиқлар, ял-

лалар янграб турсин! “Туркистон” санъат саройининг жуда файзли ва кўркем ёзги амфитеатри бундан буён сиз азиз ёшларга, томошабинларга мунтазир. Биз сизлар билан турли бадийи кечалар, маданий, кўнгилочар тадбирлар, катта-катта концерт дастурларини ташкил этамиз. Саройимиз ҳар лаҳза, ҳар он куй-қўшиқ, рақслару кулгига тўлсин! Зеро, қўшиқ кирган уйга, қуйлаётган қалбларга қайғу йўламайди, аксинча улкан марраларни забт этишга ундайди... Дарҳақиқат, ушбу гўзал масканданги илк концерт дастури барчага мандур бўлди. Унда иштирок этган Абдул-

ла Курбонов, Баҳром Назаров, Зиёда Қобилова, Жаҳонгир Фозилжонов, Шароф Муқимов каби таниқли хонандалар, “Бенон” гуруҳи, Жасмин, Имрон, Темур Раҳмонов каби ёшларнинг севилими кўшиқчилари, янги-янги оҳанглар, янги овоз соҳиблари, турли рақс ансамбллари-нинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Ижрочиларга жўр бўлиб қўшиқ қуйлаётган, рақсга тушаётган ёшларнинг гулзун чеҳрасида, ёниқ нигоҳларида “Янги Ўзбекистонимизда эркин ва фаровон яшайлик” деган самимий дил изҳорлари акс этиб тургандек эди...
Сайёра РИХСИЕВА

» Фестиваль

Тайёргарлик бошланди



Икки йилда бир мартаба ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати фестивали дostonчилик санъатини асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилиш, турли халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Юртимизнинг бой номоддий маданий мероси, анъаналари, қадрияти ва санъатини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур фестивалга жорий йилда ўзига хос равишда тайёргарлик кўрилмоқда.


Маданият вазири фестивал ўтказиладиган объектлари кўздан кечириш, тайёргарлик жараёнлари билан танишиш мақсадида хизмат сафари билан Нукус шаҳрида бўлиб турибди. Сафар давомида

Озодбек Назарбеков Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Маданият вазирилик ва бошқа масъул ташкилот вакиллари билан учрашиб, фестивал иштирокчилари, хорижлик меҳмонлар ҳамда томошабинлар учун зарур шароитлар яратиш лозимлигини таъкидлади.

– Бу йилги фестивалда ҳам ҳар бир ҳудуднинг ўз урф-одати ва миллийлиги акс этган павильонлар ўрнатилади. Иштирокчиларни ортиқча оврагарчиликдан озод қилиш мақсадида барча ҳудудларнинг павильонлари шу ерда безатилади. Энди улар ўзлари билан буюмлар ташиб юрмайди, малакали расом ва дизайнерлар шу ернинг ўзига жалб этилади, – дейди Маданият вазири О.Назарбеков.

» Хотира – муқаддас

Ўзбек миллати жуда кўп йиллик тарихга эга эканлиги барчамизга аён. Бугунги кунга етиб келганимизга қадар халқимиз бошидан ўтган оғир кунларни, ўша дамлар учун ўз жонидан хун тўлаган инсонлар руҳини ёдга олмасликнинг иложи йўқ. Айниқса, мустабид тузумни барпо этишда уларга ўз тарихи, миллий қадриятларини унутган, партиянинг ҳар бир даъватига “лаббай” деб жавоб берувчи онгсиз омма керак эди. Шунинг учун улар халқни ўз ортидан етакловчи маърифат ахлини ва уларга қўшиб, бадавлат, тадбиркор, ишбилармон, қўли гул кишиларни кириб ташладилар.



Қатағон қурбонлари

ёхуд истиқлол йўлида шахид кетганлар

Совет давлати “миллатчи”, “аксинқилбчи”, “халқ душмани” деган тамгаларни ўйлаб топди. Бу тамгалар остида айрим ўзбек оилаларидан бир эмас бир нечтадан фарзандлар, жигаргўшаларнинг қатағон қурбони бўлишига сабаб бўлди. Ана шундайлардан бири Андижон шаҳридаги Қозиевлар оиласидир.

Маҳмудбек Қозиев 1890 йил Андижон шаҳрининг Девонабой мавзеида таваллуд топган. Унинг отаси Отабек қози бўлган, шариат қозилари курултойларига раислик қилган, юртининг анча бообрў, ўқимишли, маърифатли кишиси бўлган. Андижон жадидлари томонидан очилган усули жаҳид мактабларига ҳомийлик қилган, яқиндан ёрдам бериб турган. “Туркистон вилоти” газетаси 1900 йил 27 май сонида “Андижонда Азим Қодиров мактабидаги имтиҳон Отабек қози иштирокида бўлиб ўтди”, деган хабар ёзилган. У бир қанча таноб ер, боғу роғта эғалик қилган. Отабек қози 1902 йилда вафот этган. Ундан Аҳмадбек, Фозилбек, Маҳмудбек, Ҳомидбек ва Хизирбек исми ўғиллар қолган. Фарзандларнинг барчаси қорихонада, мадрасада, рус-тузем мактабларида тахсил олган, ҳам диний, ҳам дунёвий илмлари эгаллаган, замонасининг ўқимишли эғалик бўлиб етишган.

Аҳмадбек отасининг вафотидан сўнг 1922 йилгача Андижонда қози бўлган.

Маҳмудбек 1916 йили ўқишни битиргач, Андижон шаҳридаги Жомеъ масжидида мутавааллилик, яъни хўжалик мудири ва мизралий қилади.

Большевиклар томонидан Туркистон мухторияти тор-мор этилгач,

Андижондаги “Шўроислом”чилар “Махкамаи шариат” ташкилотини туздилар. М.Қозиев эса унга қотиб бўлди.

У 1918 йилдан 1919 йилгача ревком қошидаги адвокатлар коллежаси аъзоси, 1920 йилдан 1921 йилгача Андижон коммунал хўжалигида қотиб, 1924-1925 йилларда саноат кооперациясида раис ўринбосари ва савдо бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1926-1928 йилларда Пахтатрести туман идораси қотиби, 1928-1929 йилларда 4-сон пахта заводи қотибдаги тайёрлов пункт мудири ўринбосари, 1929-1931 йилларда Округ пахта союзи қотиби, 1933-1934 йиллари “Аравақаш” артели раиси, 1934 йилдан 1936 йилгача база бошлиғи бўлиб хизмат қилган.

...ЎзССР НКВД Андижон сектори 3-бўлим оператив вакили давлат хавфсизлиги сержанти Полуни, 3-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги сержанти Чалий биргалликда 1937 йил 20 августда Маҳмудбек Қозиевни қамоққа олиш тўғрисида қарор тақдим қилади. Хўжжатда ў босмачилик ҳаракатида ишбоши сифатида иштирок этгани, аксинқилбчи фаолият учун 1919 йил 10 йилга озодликдан маҳрум қилингани, қамоқ жазосини Архангельск шаҳрида ўтагани, 1923 йили озодликка чиққани, ҳозирда эса “Союзутель” да инструктор бўлиб ишлаётгани қайд этилган.

Қозиев аксинқилбчилик унсурлар йиғинларининг фаол иштирокчиси бўлган. У мавжуд тузумга душманлик муносабатини билдириб, со-


вет ҳокимиятини ағдарилгача даъват қилган, агар келажакда ҳам совет ҳокимияти мавжуд бўларкан, у ҳолда аҳволимиз янада ёмонлашади, деб айтган. Шу билан бирга Қозиев аксинқилбчилик унсурларини изчилик билан динни мустаҳкамлашга, диний маросимларни бажаришга чақирганини, бу билан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-модда 1-бандида кўрсатилган жиноятни амалга оширгани қарорда таъкидланган.

Шулاردан келиб чиқиб, Маҳмудбек Қозиев тергов ва суддан бош тортмаслиги ҳамда уни Андижон турмасида сақлаш учун қамоққа олишга қарор қилинади ва ушбу қарор ЎзССР НКВД давлат хавфсизлик бошқармасининг 8-бўлимига юборилди.

1937 йилнинг 21 август кунини 8/180-сонли ордер билан М.Қозиев қамоққа олинади. Унинг Ташкилот кўчасидаги 42-йўли тинтув қилиниб, ЮТ№133455-сонли паспорти, 4 дона сурати тинтувчилар Войлошников, Расулов томонидан олиб қўйилади. Маҳмудбекни хибсга олиш чоғида ўғли Рашадбек Қозиев 22 ёшда САГУда талаба, ўғли Талъатбек Маҳмудбеков 10 ёшда, ўкувчи, ўғли Рифъатбек 7 ёшда, қизи Пошшоқон 5 ёшда, Анисахон эса 1,5 ёшда эди.

Маҳбус Маҳмудбек Қозиев биринчи бор 1937 йил 15 сентябрда ЎзССР ИИХ Андижон сектори 3-бўлим вакили, давлат хавфсизлиги комитети сержанти Комьяков томонидан тергов қилинган.

1937 йил 13 октябрда терговчиға Абдулхай Аюбов Маҳмудбек Қозиев ҳақида шундай кўрсатма берган: “1917 йили муваққат ҳукумат даврида Маҳмудбек Қозиев муваққат



Кўқон ҳукумати раҳбарлигида аксинқилбчилик “Шўро ислом” ташкилотининг аъзоси бўлган. Бу ташкилотда Маҳмудбек ва унинг укаси Хизирбек газначи эди, ташкилот аъзоларини йиғилган маблағни миллий қўшин ташкил этиш учун Кўқон мухтор ҳукуматиға топшириб турганлар. Кўқон мухторияти тор-мор этилгач, у билан бирга “Шўро ислом” ташкилоти ҳам тугатилган. Шу ташкилот аъзолари аксинқилбчилик “Махкамаи шариат” ташкилоти тузадилар ва у Уфа шаҳридан туриб бошқарилади. Маҳмудбек эса Андижон шаҳрида бу ташкилотга қотиблик қилади. “Махкамаи шариат” тугатилгач, Маҳмудбек Қашғар саройига ишга кириб, қашғарлик бойнинг шахсий қотиби бўлиб хизмат қилади. 1921-1922 йилларда қашғарлик бойлар жосустликлари ва аксинқилбчиликлари учун қамоққа олиналганларида улар билан бирга Маҳмудбек ҳам хибсга олинади, судланади ва сургун этилади. Сургундан 1924-25 йиллари муддатидан олдин Туркистон Марказий Ижроя Комитети раиси бўлган Хидиралиевнинг кўмағи билан (миллатчи, аксинқилбчи, 1928 йили ўзини-ўзи отган) озод қилиниб қайтиб келган...”

...ЎзССР НКВД Андижон сектори 3-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Берг 1937 йили 5 ноябрда 28 айбдорнинг жумладан, Маҳмудбек Қозиевнинг ҳам тергов ишини кўриб чиқиб, айблов ҳулосасини тақдим этади. 1074-сонли тергов ишида Маҳмудбек Қозиевнинг “Шўро ислом” аксинқилбчилик, миллатчи ташкилотининг аъзоси, босмачилик даврида Парпи қўрбоши билан алоқада бўлгани, босмачиларга мурожаатлар йўлаб, уларни руҳлантириб тургани учун 10 йил қамоқ жазосига тортилган, аксинқилбчи, миллатчи Хидиралиев сазъи-ҳаракати билан муддатидан олдин қамоқдан озод бўлгани қайд этилади ва тўрт ҳолатда айбланади:

1. Миллатчи, аксинқилбчилик кайфиятда бўла туриб, сургундан қайтгач, яна миллатчи аксинқилбчилик “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзолари билан янгидан алоқада бўлиб, ҳар

хил йиғинлар ташкил қилган. 2. 1936 йил декабрда Мансуркуловнинг уйда йиғилишда миллатчилик, аксинқилбчилик характердаги масалаларни муҳокама қилишда иштирок этган. 3. 1935 йили “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ раиси Хасанхон Ниёзов билан бўлган учрашувда халқ таълими бошқадда совет ҳокимиятининг олиб сораётган сиеъсатиға тўхматлар қилган. 4. 1936 йил ноябрь ойда “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзолари гуруҳида, Тошкентга қолқозчи-зарбдорларни кузатишга бағишланган йиғилишда уруш ҳақида бузғунчи, провакацион мишмишлар тарқатган ва совет ҳокимияти тadbирларига бўҳтон қилган.

Ушбу “айблар” учун унинг тергов ишини ЎзССР НКВДси “учлигиға” кўриб чиқиш учун юборишга қарор қилинади. Республика НКВДси “учлиги” 1937 йил 13 ноябрда Маҳмудбек Қозиевнинг тергов ишини кўриб, уни олий жазаға – отувға ҳукм этади. Ҳукм ўша йили 23 декабрда ижро этилади.

Шундай қилиб советлар яна бир ўзбек зиёлисини жисмонан йўқ қилади. Аммо улар бу билан кифояланмай, марҳум Маҳмудбекнинг акаси, таникли олим, журналист, публицист, ўша машҳур “Дукчи Эшон воқеаси” қовунчи меҳнат посёлқасига сургун қилишади. Фозилбек ўша жойда кўп ўтмай вафот этади.

Бу ака-ука қатағон қурбонларининг авлодлари ҳозирги кунда Андижон ва Тошкентда яшашмоқда.

Юртимиз тарихини ўрганар эканмиз, юқоридаги инсонлар каби зиёиларнинг кўллари юрт ривожига ва авлодлар келажига учун жон фидо этганликларига гувоҳ бўламиз. Ва бу маълумотлар ҳар биримизда тарихимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиромда бўлишликни, юрт шаъни, қадр-қимматини ҳар нарсадан устун қўйишни, шу билан бирга, бугунги озод ва обод ҳаётимизни қадрлаб яшашга ундайди.

(Маълумотлар Рустамбек Шамсутдиновнинг “Истиқлол йўлида шахид кетганлар” китобидан олинди.)

Машхураҳон ТОШБОЛТАЕВА,
Дилфуза ҲАСАНБОВЕВА,
Фаргона вилоти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудири

» Дўстона ташриф

АҚШ элчиси музейда

Сурхондарё вилояти Термиз Археология музейига Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги факултетада ва мухтор элчиси Даниел Розенблом ва бир гуруҳ элчихона вакиллари ташриф буюришди.

Меҳмонларга музей ҳақида илмий ходим Р.Нуралиева инглиз тилида сўзлаб берди. Кўргазма заллари бўйлаб қилинган экскурсия сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиб, воҳамиз тарихи ҳақида ўз саволларига жавоб олишди. Ташриф сўнггида музей директори У.Худойбердиев АҚШ элчисига Сурхон воҳасининг миллий чолғу асбоби "Баши дўмбира"сини совға қилди. Меҳмонлар, шунингдек,

Бойсун туманига ҳам ташриф буюришиб, Хўжамайхона зиёратгоҳи, сув тегириони, табиат манзаралари билан танишишди. Улар "Бойсун Баҳори" халқаро фестивали ўтказиладиган "Паданг" қишлоғида ҳам бўлишиб, номоддий маданий меросимизнинг ноёб элементлари билан шуғулланиб келаётган хўнарандларнинг қўл меҳнатлари билан яратилган буюмларни кўздан кечиришди. Ташриф давомида меҳмонларга "Бойсун" фольклор этнографик халқ асанбоби томонидан маданий хизмат ҳам кўрсатилди.

У.НОРБОЕВ,
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси ходими



» Истеъдод



Сурхонимнинг аёл бахшиси

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бахшичилик нафақат халқ ўтмишининг акс-содаси, балки айна пайтда бугунги куннинг ҳам жанрандор овозидир.

Элимизнинг номоддий маданий мероси бўлган бахшичилик санъати кўп йиллик тарихга эга. Ҳозирги кунда юқори санъат даражасидаги бахшичилик кўп йиллардан буён оғиздан-оғизга ўтиб, устоз-шогирд аъёнлари давомийлигини таъминлаб келмоқда. Уни шу мақомга кўтариб, кўллаб келган бахши шoirлар, оқин ва жировлар турли дostonлар ҳамда термалар яратиб, уларни ижро этиб, халқимиз қалбидан жой олишган.

Бахшилар мардлик ва жасорат кўйчиларидир. Ушбу санъат турига давлат раҳбарининг алоҳида эътиборини кўриб, беихтиёр қувонсанг киши. Президентимизнинг "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида республикамизда бахшичилик марказининг ташкил топиши, вилоятларимизда махсус мактабларнинг фаолият юритиши, болалар санъат ва мусиқа мактабларида бахшичилик синфларининг очилиши келажак авлоднинг ушбу санъат турига бўлган қизиқиши орттиришга аҳамиятлидир, албатта. Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан 2019 йилдан бошлаб ҳар йили бир маротаба ташкил этиладиган Халқаро бахшичилик фестивали ҳам мазкур санъатга бўлган эътиборнинг кучайганидан далолатдир.

Сурхондарёлик ёш аёл бахшимиз Майсара Раҳимова ҳам бу санъатга қизиқиб, кўп йиллардан буён фаолият юритиб келмоқда. У 1997 йил 15 декабрда воҳанинг Шеробод туманида шифокорлар оиласида дунёга келган. Миллати - ўзбек. Ёшлиқдан турли тўй-маросимларда дўмбира садосини эшитиб, бахшичиликка қизиқиши пайдо бўлган. Фарзандида бундай истеъдодни пайқаган ота-онаси унга бобосининг дўмбирасини ҳадя этишди. Шу кундан ёш бахшининг ўзига ишончи ва санъатга муҳаббати ортади. Майсаракан юртимиз бўйлаб кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаётган устоз бахшилар ижодини тинглайди, ўрганади. Улардан терма ва дostonлар ёд олиб, тенгдошлари орасида кўйлайди ва катта олқишларга сазовор бўлади.

Кейинроқ Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаевага шогирдликка тушиб, ютуқларга эриша бошлади. Устозидан ўрганган терма ва дostonларни ўз талқинида ижро этиб, юртимиз бўйлаб ўтказиб келаётган оммавий тадбирларда фаол қатнашди. Бошқа бахшилар каби қахрамонимизнинг ҳам ўз услуби бор. Ҳозирги кунда кўплаб мухлисарига ҳам эга.

Майсара Раҳимова республикамиз бўйлаб ўтказилган танловлар ғолибаси ҳамдир. Жумладан, 2008 йил - "Янги авлод", 2010 йил - "Ёш ижрочи", 2011 йил - "Энг яхши ватан куйчиси", 2014 йил - "Ораста қизлар", 2015 йил - "Нурли навалар", 2016 йил - "Нафосат бўстони", 2016 йил - "Ватан куйчиси" фестивалларида фахрли олий ўринларни олган.

Биз келажакда Майсара Раҳимованинг бахшичилик санъатини ривожлантиришга ҳиссасини қўшиб, ўз билими, қобилияти, шижоати ва истеъдодини ишга солиб, халқ бахшиси унвонига эришишига тиллақдошимиз.

А.МАРДАЕВА,

Республика бахшичилик санъатини илмий ривожлантириш бўлими ходими

» Устозни хотирлаб...

Санъат оламнинг ёрқин юлдузи

Жорий йилнинг 30 апрель кунини Ўзбекистон, Қорақалпоғистон ва Бошқирдистон халқ артисти, давлат мукофоти соҳибаси, таниқли кўшиқчи Гулпаршин Сирибметова 76 ёшида вафот этди.

У 1945 йил 10 мартда Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга меҳр қўйиб, ширали овози билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган. Илк меҳнат фаолиятини 1961 йили Бердақ номидagi Қорақалпоқ давлат филармониясида хонандаликдан бошлаган. 1963 йилда эса М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг тайёргарлик курсига ўқишга кириб, бу даргоҳда вокалист И.Ф.Черновадан хонандалик синфларини ўрганади. Натижада унинг репертуари қорақалпоқ халқ кўшиқларидан ташқари, ўзбек, қозоқ, озарбайжон халқ кўшиқлари билан бойиб борди. Консерваториянинг икки йиллик курсини муаффақиятли тугатиб, бу ерда яна беш йил таълим олади ва 1970 йилда олийгоҳни қорақалпоғистонлик аёл-қизлар орасидан биринчилардан бўлиб тамомлаб, ўша йилиёқ илк фаолиятини бошлаган филармонияда ишини давом эттиради.

Г.Сирибметова қорақалпоқ санъати, аynиққса, кўшиқчилигининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ижодий фаолияти давомида миллий санъатимизни чет



давлатларига танитиш, уларни тарғибот қилишда фаоллик кўрсатди. Москва, Югославия, Корея, Бошқирдистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Озарбайжон давлатларида бўлиб ўтган "Қорақалпоқ адабиёти ва санъати кунлари" да ва бошқа ижодий сафарларда ўзининг ширали овози билан халқ кўшиқларини хорижий давлат сахналарида ижро этди.

У куйлаган кўшиқларни халқимиз севиб тинглайди. Айниқса, хонанда ижросидаги "Бийбисенемнинг", "Дембермес", "Дерьясан", "Қиз Минайим", "Суйтеним суйтени", "Қиз қосиги", "Ақ алтин вальси",

"Яр-яр айтайин", "Адиннан", "Сапа келипсиз", "Дағлари", "Нокис гуллери", "Хошадес" ва бошқа кўшиқларини бугун ҳам халқимиз севиб тинглайди, улар бугун ёшларимиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Г.Сирибметованинг кўп йиллик меҳнатлари Ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳолашиб, у 1973 йили "Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти", 1974 йили "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрли унвонлари билан тақдирланди. Уша йили "Ҳамза" номидаги давлат мукофоти лауреати бўлди. 1977 йил хонандага "Башқирдистон Республикаси халқ артисти" унвони берилди.

Тугма истеъдод, ёқимли овоз соҳибаси умрининг сўнгги дамларига қадар жонли ижродаги бетакрор кўшиқлари билан халқимизга хизмат қилиб келди.

Қамтар инсон, сууюкли умр йўлдош, гамхўр она, тақрорланмас истеъдод соҳибаси, миллий кўшиқчилик санъатимизнинг ёрқин юлдузи, қадрилы устоз Гулпаршин Сирибметованинг ёрқин хотираси ёдимизда мангу қолади.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ва "Айқулаш" Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли жамоаси

» Хотира абадийдир

Элда азиз бўлганлар

Хотира - инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматини, тирикликнинг азалик мазони. Бу тушунча тобора теран аҳамият касб этаётганининг яна бир сабаби шундаки, инсонга меҳр кўрсатиш, уни улуглаш, қадрлаш ва эъзозлашга қаратилган амаллар бизни глобаллашга етган ва тез ўзгариб бораётган мураккаб давримизнинг турли таҳдидларига нисбатан сезгир ва ҳушёр бўлишга, кечаги кун жароҳатларидан сабоқ олишга ундайди. Бу борада, айниқса, буюк келажак эгалари - навқирон авлод зиммасидаги масъулият ғоят катта.

Халқимизнинг маънавий мероси, бадий озгакки ижод намуналари "Достончилик ва бахшичилик" санъати ҳам аждодларимиз тарихидан сўзловчи манба десак адашмаймиз. Буни чуқур англаган ҳолда мухтарам юртбошимиз Ш.Мирзиёевнинг "Достончилик ва бахшичилик" - миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим" деган сўзларини эста олишни жоиз деб топдик.

Миллий бахшичилик ва достончилигимизни асраб қолиш, юксалтириш борасида фольклоршунос олимларимиз олдига залворли вазифалар қўйилган. Билемизки, мазмунли ижоди билан ҳаммага ўрناк бўла оладиган халқ бахшиларининг хотираси абадий ва ўчмасдир. Достончилик санъати зарварларидан сўнмас из қолдириб кетган Умир бахши Сафар ўғли, Қодир бахши Раҳимов, Зиёдулла бахши Исломов, Шомурод бахши Тоғаев, Боборам бахши Маматмуродларнинг номи мангуликка муҳрланган. Нормурод бахши, Маматмурод

чертагоннинг зурриёди бўлган Боборам бахши Маматмуродов ҳам Сурхондарё достончилик мактабининг етуқ вакилларида бири эди. Ёшлигидан зор ва боқиб улғайган Боборам ўзини эл ардоғидаги бахши бўлиб етиштиришни орзу ҳам қилмаган бўлса керак. Унинг ота-боболари полвон, чопогон ҳамда дўмбира куйларининг моҳир ижрочилари эди. Боборамнинг ҳам ёшлик даврлари кўпқари чопиш ва тўйларда кураш тушиш билан ўтган. Уни ҳамма халқ орасида Боборам полвон деб аташарди.

Боборам бахши ёшлик чоғларини эслар экан, шундай дейди: "Менинг ота-боболарим бахши ва чопогон бўлганликлари учунми 9 ёшимда уйимизда жийдабулоқлик Мирзақул бахши, Чағамлик Билло бахши, чертагонлар Хўжакулсин қишлоғидан Бердиев бобо, Абдуллоҳон эшон, Чори газарлар келишарди. Тонг отгунча навбатма-навбат айтишиб, чергишиб, созу сўхбат қилишарди. Ман ҳам отамнинг ёнида аввал оқшом бахшиларнинг айтишларини эшитардим. Ҳамма меҳмонлар ухлаб қолганларида, ухламасдан Мирзақул бах-

шининг дўмбирасини олиб чиқиб, сомонхона ёки ўтинхонага кириб олиб, эшитган кўшиқ ва куйларимни чалишга ҳаракат қилардим".

Бундан кўринадики, ёшлик чоғларидан дўмбира садолари ва бахшичилик санъати қахрамонимизнинг қон-қонига сингиб кетган. У дўмбира чалиш сирларини илк бор Маматқул бобо, Абдураим бобо ҳамда отасидан ўрганган. 40дан ортиқ дўмбира куйларини билган ва моҳирлик билан ижро этган. Сеҳрли ва ўзига оламни оҳанграбдек тортадиган бахшиёна куйлаш сирларини қашқадарёлик машхур Қодир бахши ҳамда деновлик Тошмурод бахшилардан ўрганган. Серқирра ижоди ва ўз касбига бўлган муҳаббати туфайли Боборам бахши кўплаб ютуқларга эришган. Жумладан, 1980 йили Сурхондарё вилоятида ўтказилган вилоят бахшилар кўрик-танловида биринчи ўринни, Тошкент шаҳрида ўтказилган Бахши-шор ва жировлар кўрик-танловида фахрли 2-3 ўринларни эгаллаган. 2005 йилда эса Ўзбекистон халқ бахшиси фахрий унвони билан тақдирланган. Унинг "Авазон ота юртида", "Сарвиғул", "Дўрмоннома" номли китоблари нашрдан чиққан. Боборам бахши Маматмуродовнинг ижоди ёш авлодни миллий ўзликни англаш, ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутайди.

М.ТУЛЯЕВ,

Республика бахшичилик маркази давлат муассасасининг АКТ ва матбуот хизмати ходими



Ижодий тадбир

Андижонда
"Маданият
ойлиги"



Президентимиз топшириғи ҳамда вилоят ҳокими Шухрат Абдураҳмонов буйруғи асосида аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда маданий тадбирларни кенг тарғиб қилиш мақсадида жорий йилнинг 20 апрелдан 20 майга қадар Андижон вилоятида "Маданият ойлиғи" деб эълон қилинди.

Маданий тадбирлар вилоятнинг шаҳар, туман ва чекка қишлоқларида ўтказилмоқда. Вилоят маданият бошқармаси томонидан "Маданият ойлиғи"ни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасида белгилаб берилган кўрсатмага асосан ҳудудларда маданий тадбир ўтказишда Ўзбекистон давлат филармониясининг Андижон вилояти бўлини маси ижодий жамоаси фаол иштирок этмоқда. Улар аҳоли кайфиятини

кўтариш учун ўз концерт дастурларини жонли ижрода намойиш этиб, ҳалқимиз олқишига сазовор бўлишмоқда.

Андижонда маданий тадбирлар давом этапти.

Ж.ГОЖИБОВ,

Концерт-томоша тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи

9-май – Хотира ва қадрлаш куни

Ҳеч қачон уруш бўлмасин!

"Кўкрак сuti ва меҳнат билан,
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайди уруш".

Зулфияноним

Уруш... Тул қолган келинчақларнинг уйқусиз тунларига, фарзанд доғини тотган оналарнинг уввосларига, тобутсиз аза очган, ўғлини тупроққа қўя олмаган оталарнинг ичларига тўкилган ёшларига ўхшайдиган нақадар хунук сўз. Уруш... Кимингдир, йўқ, ундайлари ким деб бўлмайди, ниманингдир, йўқ, уларни нима деб ҳам бўлмайди, ҳуллас, ўшаларнинг нафси орқали келиб чиққан парокандалик, халқ кўзидаги ёшларнинг дарёси, изтиробларнинг тўлқинидир.

Уруш шу қадар ёмон, шу қадар қабоҳатли, шу қадар нафратли ва даҳшатлики, таърифлашда изтиробли. Тасаввур қилинг, оилада жанжал бўлапти. Ўша паллада қай даражада юрагингиз сиқилиб, қай даражада эзиласиз. Шундай вазиятларни ўйлашнинг ўзи ҳам инсонни кайғуга солади. Биз бир оила кўринишидаги урушни тасаввур қилдик. Ана энди миллатлар, халқлар ўртасидаги урушни бир ўйлаб кўрайлик-чи... Оҳ, деб юборасиз беихтиёр. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, биз Иккинчи жаҳон урушини кўрмадик, унда иштирок этмадик, оч ва влангоч қолмадик. "Фронт ортидаги жасорат" каби шиорлар остида туну кунимиз меҳнатда ўтмади. Аммо ота-боболаримиз бизнинг ўрнимизга уруш заҳматини тойти кўришди.



Мен уруш ҳақидаги бадий китобларни жуда кўп мутулаа қиламан. Яқинда Анвар Иргашев ва Юлия Медведовскаянинг "Бир юз бир" романини ўқиб чиқдим. Унда бир юз бир асир аскарлар атайлаб хорлантирилиб, уларнинг иродасиз аҳволга тушиб қолгани ҳақида кино ишланмоқчи. Кейин уни урушга отланаётган немис ҳарбийларига қўйиб бериб, бу орқали улар руҳини кўтариш, бўлажак ғалабани шу тарихда таъминлаш каби жirkan ниятлар тасвирланади. Минг афсуслар бўлсинки, ана шу таянганлар ўзбеклар эди. Гарчи уруш бўлса-да, асирликда бир бурда нонга зор қолган бир юз бир нафар ўзбек ўз ориятини йўқотмагани, фашистлар ўйлаганидек, уларнинг иродаси тез синиб қолмагани ўқувчини ўйлантиради ва ўзбек китобхонини фахрлантиради.

Ҳа, шундай инсонлар бўлишган бизнинг аجدодлар, деб қўйдим ичимда. Уларнинг жасоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Сабаби, уруш пайти содиқлик у ёқда турсин, бирор бир жасорат ҳам кўрсатмасдан пана-пастқамларда жон сақлаган кўрқоклар ҳақидаги асарларни ҳам ўқиганмиз. Шундай экан, уруш инсон матонатини чиғирқдан ўтказган аянчли имтиҳон сифатида тарихда қолганига амин бўламан. Фронт ортида ҳам халқимизнинг қаҳрамонлик



кўрсатганини англаш, тушуниш учун Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмадининг "Уфқ" романи трилогиясининг дастлабки китоби – "Қирқ беш кун"ни ўқиш кифоя. Бир ярим ой мобайнида Катта Фарғона каналининг қурилгани, одамларнинг жон-жаҳди билан меҳнат қилгани, кетмонларида ош еб, ер қазиб, жасорат кўрсатгани халқимизнинг шунчалик бардошли ва меҳнатсевар эканлигидан далолат беради.

Уруш заҳматларини китоблардан ўқийман-у ҳаёлимга ҳар хил фикрлар келади. Мен бадий асарларни ўқиб шунчалик таъсирланаётган, руҳан азобланаётган бўлсам, ўша вақтлардаги урушда бевосита қатнашган кишилар нечоғли заҳмат чекишган экан... Ҳа, бу урушлар шундай даҳшат экани кўз ўнгимда бир-бир намоён бўлади. Ичимдаги Еркин ўзимга савол беради. Нимага керак бундай урушлар? Яратган яратган заминда бахтиёр яшаш яхши эмасми? Яхши, албатта. Аммо, нафси кўзларини, кўр кўзлари қалбларини сўқир қилган кишилар ҳам борки, улар урушдан лаззат олишади. Ўз манфаатларини ҳамма нарсадан, ҳаттоки, удуғ неъмат – тинчликдан ҳам устун қўйишади. Ундайлари инсон дейишга дил тугул тил ҳам бормайди. Шукрки, бугун уруш ва жанжаллардан, қабоҳатлардан холи мамлакатда яшаймиз. Ўқиймиз десак, юзлаб олий таълим даргоҳлари эшикларини очиб турибди. Ишлаймиз десак, минглаб иш ўринлари рақобатбардош кадрларни кутипти...

Халқ розилигини бош мақсадига айлантирган Ўзбекистон Республикаси Куроли Кучлари Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳам юртимиз тинчлигини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар соҳада ривожланган давлатлар қаторига киритиш борасида изчил ҳаракатларни амалга оширмоқда. Инчунун, "Буюк келажагимизни мард ва олийжа-ноб халқимиз билан бирга қураимиз", деган бош ғоя илгари сурилаётган мамлакатнинг фарзанди бўлиш ҳам катта бахтдир аслида...



Мен қишлоқда яшайман. Ҳар доим университетта кетишда кўчамиздан ўтар эканман, атрофи кузатишга, ниманидир ўрганишга ҳаракат қиламан. Ахир Авлоний бобомиз "Яхшиликларга ҳам, ёмонликларга ҳам боқиб, ҳикмат олинг", деб бекорга айтиб кетмаган-да. Яқинда бир гуруҳ болаларнинг қўлларида таёқ билан ўзаро ўйин ўйнаётганларини кўрдим. Албатта, уларнинг қандай ўйин ўйнаётганликларига қизиқдим. Аммо қишлоқ болаларининг "Уруш-уруш" ўйнаётганини кўриб, кўнглим алланечук ҳисларни бошдан кечирди. Ахир болалигидан зўравон ўйинларини ўйнайдиган кичиклардан катта бўлишганида нимани кутиш мумкин? Қолган фикрлар эса, ҳаёлимда назмий ҳолда гавдаланди.

Кўрдимки, болалар ўйнар эдилар,
Таёқча орқали шум "Уруш-уруш".
Ўйларим ўзимга қайта дебдилар:
Ахир шу эмасми бир хамиртуруш.

Укажон, сингилжон, қўйинг таёғинг,
Дилмига чорлама қайғу, ҳадикни.
Қўлингга кўтаринг азиз байроғинг,
Кел, бирга ўйнаймиз "Тинчлик-тинчлик"ни.

Ўзбекистон халқ шоираси, ўзбек аёлининг ёрқин намоёнчаси Зулфияноним "Уруш, номинг ўчсин жаҳонда", деб ёзганларида бутун тинчликсевар башариятнинг дилидаги асрий изтиробни таъкидлаган эди. Чиндан ҳам урушдан ҳеч қандай наф олиб бўлмайди. Тўғри, голиб томон моддий томонлама фойда кўриши мумкин, аммо кимидир йиғлатиб, қалбини тилғлатиб кўрилган фойда узокқа чўзилмағай. Халқимиз – доно. "Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун фойаз баракка кетади", деб бекорга айтмайдиган халқ. Бу гапни бувим ҳам кўп такрорлайди. Албатта, жанжал ўртадаги оқибатга пугтур етказиши, меҳр ришталарини узади ва қалбларни зулматлаштиради.

Мирзаобод туманимиз Сирдарёнинг энг кўркам гўшаларидан ҳисобланади. Бизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шерқул хожи Олтмишевнинг фидойилиги, қаҳрамонлиги ҳақида турли ҳикоялар

юради. Адашмасам, 2014 йил эди. Ёшлар ташкилоти томонидан "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбир доирасида пойтахтдан бир гуруҳ санъаткорлар туманимизга келишди. Шунда биз ҳам уларга қўшилиб уруш қатнашчиси, раҳматли Шерқул хожи бобо Олтмишевнинг хонадонларига борган эдик. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Хожи бобога кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромни кўриб, мамлакатимизда уруш қатнашчилари нақадар шарафланишидан хурсанд бўлгандим. Шунда раҳматли бобо "Биз уруш кўрдик, илоҳим, сизлар кўрманглар", – деб бизни дуо қилгандилар.

Ҳа, илоҳим, хожи бобонинг айтганлари келсин. Бугун диёримизда хожи бобога ўхшаган уруш қатнашчилари алоҳида иззат-икромга сазовор бўлишмоқда. Юртбошимиз уларга фарзандлик меҳрини кўрсатиб, ҳар йили 9-май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида учрашиб, қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотларини топширмоқдалар. Инчунун, гап мукофот ёки совғада эмас, эътибор ва эҳтиромдир. Албатта, нуронийсини, эксарларини эъозлаган юртнинг эртаси нурафшон келгай. Сабаби, дуоғўйлар дуоси, албатта, бир кун Яратганнинг амри билан мустажоб бўлгай. Шундай тинч замонда яшаб нима учун шукрона қилмаслигимиз керак, деб ўйланаман. Бугун ҳам дунёнинг қайсидир бурчидан уруш оловлари ўчгани йўқ. Биз қўлимизга китоб олиб, илм олаётган бир пайтда қайсидир мамлакатлардаги тенгдошларимиз қўлларига қурол олиб, жанг майдонларида юрибди. Албатта, биз шукрона келтиришимиз ва дунёни ҳам тинчликка чорлашимиз даркор.

Ўзбекистонда дунёга ўрнак қилса арзийдиган буюк иш бўлди. Президентимиз ташаббуси ва бевосита гамхўрлиги билан "Меҳр" операцияси доирасида юзлаб ватандошларимиз, аёллар ва болалар Сурия каби уруш ўчоқларидан мамлакатимизга қайтарилди. Уларнинг учоқдан тушиб, ерни ўпангаларини сиз ҳам кўрдингизми? Бир вақтлар мана шу ердан, шу тупроқдан гўша юртларда ваъда қилинган жаннатмақом ўзгаларни иш устун билиб кетган кишилар эндиликда ўз юртларида яшашмоқда. Ҳа, биз фақат шукр қилишимиз, тўқликка шўхлик билан жаовб қайтармаслигимиз керак. Чунки, бундай юртни дунёнинг бошқа ёғидан топиб бўлмайди. Бундай халқни дунёнинг бошқа четидан топиб бўлмайди. Ўхшашми йўқ Ўзбекистонда тинч яшаш энг катта бахт аслида.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, уруш хотираларимиздан ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Биз уруш ҳақида ўқиганларимизни ёдимизда сақлаганимиз каби тинчликнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолганини ҳам тушунишимиз, унутмаслигимиз, мамлакат ривожига учун эса ҳисса қўйишимиз керак. Зотан, бизнинг бугунги кунларимиз нурафшонлиги учун кимлардир қирчиллама йигит даврида қаро ер бағрига кирган. Шундай экан, уларнинг улуг номларини юрагимизда сақлаб, бир-биримизни қадрлаб, мустақиллик аталмиш олий неъматни асраб, Улчинчи Ренессансни биргаликда барпо қилайлик.

Тинчлик... О, нақадар лаззатли бу сўз,
Азизим, дилмига ғамлар тўлмасин.
Ватанжон, тегмасин сенга сира кўз,
Ҳеч қачон, ҳеч қачон уруш бўлмасин.

Ёрқинжон ХАЙИТБОВЕВ,
Гулистон давлат университети талабаси


Иншолаб танлови

«Беш ташаббус менинг наздимда»

Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида белгилаб берилган 5та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш, китобхоналикни кенг тарғиб қилиш, истеъоддиларни қўллаб-қувватлаш, уларни она ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида жорий йил 24 апрель куни Фориш туман Маданият бўлими томонидан эълон қилинган "Беш ташаббус менинг наздимда" иншолаб танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Унда худуддаги умумтаълим мактабларининг саралаш босқичлари ғолиблари иштирок этишди. Хакамлар ҳайъати қарорига қўра, С.Норбекова (27-мактаб), С.Аҳмадова (33-мактаб) ҳамда М.Ғозиёва (78-мактаб)ларнинг мавзуга доир иншолари ғолиб деб топилди. Ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларга туман маданият бўлимининг диплом ва фахрий ёрликлари топширилди.

Л.ҲАКИМОВА, марказ мутахассиси



Янгилик



Термиз ҳайвонот боғида

2021 йилнинг 26 апрель куни Термиз ҳайвонот боғи мутахассислари ҳамда Сурхондарё вилоят экология ва табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ходимлари ҳамкорликда Шеробод тумани худудидан қаноти яраланган бир бош Сариксорни ҳайвонот боғига олиб келишди.

Узунинг оч, оқиш дум тепаси (думи йўл-йўл эмас) жуда оч қизғиш рангда бўлиши билан оддий сардан фарқ қилади. Аксарият қушларнинг боши ва кўкраги оч, сарғиш ёки кўзлари оддий сорникига қараганда сезиларли даражада катта, қанотдаги кўндаланг йўл-йўллик унчалик сезиларли эмас ва фақат иккиламчи учиш паглари устида бўлади. Тана узунлиги - 57 - 65 см., қанот учлари орасидаги масофа - 135 - 160 см.

Тарқалиши

Ўзбекистон худуди бўйлаб чўллар, воҳалар ва тоғ-ўрмон зоналарида ҳам учиб ўтишда, кўчишда, уялашда ҳамда қишда мунтазам учраб туради.

Биология

Оддий, республиканинг барча паст текислик худудларида уялайдиган қуш. Сариксор Ўзбекистон худудидаги энг кўп сонли йиртқич қушлардан бири. Турли ландшафтларда учрайди. Булар: саксовулди кумли чўллар, тошли қолдиқ тоғлар, жарликлар, қуриган дарё бўйлари, дарё vodiylari, лой ва кумтош қоялардир. Текисликларда яшаш уялаш учун қулай жойлар мавжудлигига боғлиқ. Юмронқозик, кумсичқон, қирпи, хар хил қушлар, калтакесак ва хоказоларни тутиб озиқланади. Жўжалари апрель ойининг ўрталарида уяларида пайдо бўлади. Иини дарахт, қоя ва жарларга қуради, ҳар бирода 2-3 та тухум бўлади. Тухум босиши тахминан 35 кун давом этади.

Ш.УЛАШЕВ, Сурхондарё вилояти Термиз ҳайвонот боғи директори

Хажвия

Маҳалламизда ажойиб воқеалар жуда кўп денг. Бундай қарасак, умримиз хангомалар билан ўтади-е. Нимага дейсизми? Майли, сиз сўрайверинг, мен бир чеккадан ҳикоя қилиб бераверман.

Давримиз анча тезлашиб кетди-да! Вей, одамлар ҳар қадамини ўлчаб яшайдиган бўлиб қолди. Ундан ҳам қизиғи, кийган кийимингизга қараб муомала қилишади. Айниқса, пойтахтда ўқийдиган "ўқимишли"ларга эътибор бошқача. Унда мазаги кийимингиз-у, соч-соқолингизга ҳам қарашмайди.

Бир кун тишим оғриб, маҳалламиз тибибй пунктга бордим, денг. Оғриқдан асабим таранг, мободо гап бўлса, битта кам, иккитаси кўп бўлиб турган пайт.

Поликлиника ичига кирсам бир зал одам. Ҳаммаси тиш азобига мубтало бўлган. Худди мазали нарсани шимаетгандек, озини ёпиб, бошини чайқаб "м-м-м" деб ўтиришибди. Ҳеч ким бир-

бирига гапирмайди. Тиш оғриғи турганда, жонингиз озор чекаётган пайтда, бировнинг дардини эшитишга ба-ло борми?

Таниган-танимаганга бошимни силкиб, бир чеккага бориб чўққаладим. Ана энди кутиш бошланди.

Тавба, дўхтирга келсанг, оғриқ йўқолиб қолади-я. Мен ҳам "оҳ-оҳ", "воҳ-воҳ" деб ёнимда бошини чангаллаб турганларни, ўтиришдан тинчи кетиб, бир ашиқка, бир тешикча бошини суқиб қараётганларни кузатиб, тиш оғриғини ҳам унутиб юбордим.

Ёнимда ўтирган биттаси инқиллаб зада қилди. Ичимда, "нафсингга насихат қилсанг бўлмасмиди, очофат. Ха, тиш дегани ҳам керак деб, аста-аста чайнаганинга, тўғри келган нарсани оезингга солиб, қарсиллат"маганинга, бугун ўзингни ҳам, инқиллаб мени ҳам азобламаган бўлардинг", дея томоқ қириб қўяман.

...вақт ўтиб, навбатдагиларнинг сони камаё бошлади. Катта қилиб, "стоматолог" деб ёзилган эшикдан кирган захоти, ичкаридан "онажо-ош!", "вой-жоним!" деган овозларга қўшилиб, "қарс", "қисир" этган товушлар ҳам эшитиладди. Хонадан чиқиб кетаётганларни кузатаман. Уларнинг кўплари ранги ўчган, кўзлари бўзарган...

Бундай қарасам, охири мен эканман. Энди навбатим келганда, ўрта ёшдан сал ўтган бир амаки қаёқдандир пайдо бўлиб, мени туртганча ичкарига кириб кетса, денг. Таранг турган торни чертса, "донг" этган овоз чиққанидек, менинг асабим ҳам то ўша бемор қайтиб чиққунигача "дринг"лаб турди. Аччиғим келгани, биринчидан, навбат меники, иккинчидан, гап-сўзсиз, турди-тепиб ўтиб кетгани эди. Хурматни ҳам, иззатни ҳам чеккага қўйиб, бир-икки оғиз гап айтмоқчи эдим-у, лекин кейинги ва-

зият бунга йўл қўймади... Дўхтир опамиз мени яхши танийди. Амаки киргандан бир оз ўтиб, эшик очилди-да, хонани шамоллатиша бошлади. Шунда дўхтир опамизнинг кўзи менга тушди-ю, сўраша кетди. Кейин яна беморига юзланиб, ишига овунди. Даволаш жараёнида бемор билан дўхтир опамиз нималарнидир сўхбатлашшиарди. Хар замонда опа мени кўрсатар, қулиб, энтички сўзларди...

Халиги нотаниш амаки тишига пахта босиб беришгач ялпайиб ётган жойидан турди-да, дарров келиб, ўнг буйимдан ушлади. Мен ҳайрон. - Яхшимисиз, ука? Саломатмисиз? ўқишлар билан чарчамайсизми? - деб қўлимни қаттиқ ушлаб силкитди. Мен ҳамон ҳеч нарсага тушунмайман. - Тўғри айтибсиз, опа - дея амаки стоматолога қарайди - бўладиган бола-да,

томонидан олқишлар билан кутиб олинди. 6-синф ўқувчиларининг мақом алифбоси фанига бағишланган чиқишлари эса барчада ўзгача таассурот қолдирди. Концерт бир-бирдан ажойиб ижролар билан янада бойиди. Жумладан, 6-синф ўқувчилари Ёқубжон Маҳкамбоев ва Муҳаммаджон Шуқуровларнинг "Рақс" куйини фортепиано ва доира журлигида ижро қилгани, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, ўқитувчи Зарина Ходиева томонидан фортепиано чолғусида янраган жозибали "Аския" муаллифлик асари залда ўтирган томошабинлар кўнглидан чуқур жой олди.

Шундан сўнг 5-9-синф ҳамда I ва II босқич ўқувчилари лицейнинг мусика бўлими директори ўринбосари Қадам Исмаилов ҳамда мусика назарияси кафедраси мудири Гулнора Ташпўлатова томонидан тантанали равишда фахрий III, II ва I даражали дипломлар билан рағбатлантирилди.

Тадбир якунида миллий мумтоз мусикамизни улуғлаб, бир қатор чиқишлар намойиш этилди. Жумладан, Навоий ғазалига ёзилган "Кўрмадим" мумтоз ашуласининг замонавий Европа чолғуларида чалиниши мумтозона мусикага янгича қараш сифатида намоён бўлди. Кеча мехмони Дийдор ёшлар экспериментал театр-студияси актрисаси, хушовоз хонанда Назокат Нарзиева ижросидаги "Кўрмадим" ашуласига мусика назарияси кафедраси мудири Нодира Ҳайдарова раҳбарлигидаги ансамбл иштирокчилари, I-II босқич ўқувчилари - Дилором Қодирова, Мухиддин Бобоҳўжаев, Аслбек Арзиев ва Хожиқабар Сагторовлар флейта, кларнет, тромбон ҳамда доира чолғуларида журналистик қилишди.

Саҳнада 8-синф ўқувчилари чанғовузи, дўмбира журлигида фольклор термаларини мохирона ижро этганларида тингловчилар бехитиёр рақсга тушишди. Концерт якунида II босқич ўқувчилари "Оқ аттиргуллар" рус эстрада кўшиғини қуйлашди.

Гулхумор АБДУСАМАТОВА, Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи ўқитувчиси



Оғриқ "ТИШ"




қаранг, кўзларидан "ўл" чақнайди, омадингизни берсин, ука. Журналистлар чиксин биздан ҳам... ...Хуллас, амаки билан "қалин" бўлиб кетдик. Уйига мехмонга боришимни сўради. Ёлиғина ош қилиб, бир "отам"лашамиз деди. Менинг эса яна тишимга оғриқ кирди. Тезроқ амакидан ажралсам-у, оғриган тишимни олдирсам дейман. Лекин қани энди қўйиб юбурса...

О.АБДИЕВ

Кўрик-танлов

“Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон”



2021 йил 29 апрель куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказилиб келинётган “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят ва туман кўзи ожизлар кутубхоналари фойдаланувчилари иштирок этишди. Танловда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Хоразм вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи – М.Қурбонов, Урганч шаҳар “Тушан” маданият

маркази мудири – Э.Рўзибоевлар қатнашдилар. Кўрик-танлов низомига кўра, китобхонлар 3 шарт бўйича беллашдилар. Хоразм вилоят Хива шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Саидали Қуранбоев 245 балл билан фахрли 1-ўринни, Хонқа туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Райхон Рустамова 224 балл билан 2-ўринни, Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Ҳаттамбой Яхшимуратов 200 балл билан 3-ўринни эгалладилар.

Ҳаттамбой Яхшимуратов кўзи ожизлар кутубхонасининг фахрий ёрилқлари, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Хоразм вилояти бўлимининг эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Хоразм вилоят Хива шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Саидали Қуранбоев эса танловнинг республика босқичига йўллангани ҳам қўлга киритди. Ф.ҚУРБОНБОВА, Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси библиографи

Тахлил

Тарихдан маълумки, миллатимиз аслига аввал “оқ”, сўнг “қизил” империянинг кўзи билан бокдик. Тарихимиз, маданият ва турмушимиз, ҳаттоки, ўқимокчи бўлган китобимиз ҳам олдин рус, кейин рус-совет қолишларига солинди. Асрий маданиятимиз туфайлигина ўзлимизни тамоман йўқотишдан сақланиб қолдик.

Миллий матбуотда кутубхоначилик

XX асрнинг биринчи ва иккинчи ўн йиллигида Ўзбекистонда асосий эътибор миллий тараққиётни таъминлашга қодир маърифатли инсонларни тарбиялашга йўналтирилган хусусий, миллий газетамиз ҳамда журналлар юзига келадик, улар орқали янги фаолият бошлаган кутубхоналар ҳақидаги маълумотлар мунтазам эълон қилиб борилади.

XX аср бошида жадидчилик ҳаракати раҳнамолари минтақа шаҳарларида маърифатни кенг тарғиб қилиш мақсадида дастлабки оммавий кутубхоналарга асос солидилар. Уларнинг шахсий маблағлари ва хайриялар хисобидан ташкил қилинган ушбу кутубхоналарда жамланган адабиётлар мазмуни ва йўналиши жиҳатидан сарой кутубхоналаридан анча фарқ қилиб, замон руҳини акс эттириб турар, халқ оммаси, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эди.

Алишер Навоий номли Миллий кутубхонанинг нодир нашрлар фондида сақланаётган “Иштирокион”, “Қизил байроқ” ҳамда “Туркистон” газеталарида эълон қилинган мақолаларнинг изоҳли библиографияси таҳлили асосида ўтмишдаги кутубхона ва китобхонларимиз ҳақида оз бўлсада маълумотга эга бўлиш учун Туркистон ҳудудидида фаолият кўрсатган кутубхоналар ҳақидаги мақолалар таҳлили билан танишамиз.

Уша даврларда кутубхоналарни ташкил этишдан асосий мақсад, энг аввало, ёшлар, мактаб ўқитувчилари, мадраса талабалари, зиёлиларни янги адабиётлар, дарсликлар, матбуот билан мунтазам таништириб бориш эди. Чунки бу адабиётлар ва газеталарни бошқа бирор жойдан топиш амримаҳол бўлган. Юқоридаги нашрларда чоп этилган кутубхона ва китобхон ҳақидаги мақолалар таҳлилдан шуни кўриш мумкинки, бу даврдаги кутубхоналар имкон қадар жамиятнинг

диққат марказида турган. Қайси ҳудудда янги кутубхона ташкил этилса, албатта матбуот орқали ёритиб борилган.

Бунди: Хамидий Идрис “А.Қурсавий кутубхонаси” Янги Тошкентдаги умумий татар кутубхонаси “А.Қурсавий кутубхона” номи билан янгидан очилган. // Иштирокион. 1919.02.26; Жу-бой.

Қироатхоналаримиз: [Тошкентдаги 1918 йилда “Турон” жамиятининг Ориф Клубиев номига очилган қироатхонаси хусусида] // Иштирокион 1920.07.23; Хўжа Бадриддин ўғли. Бизда кутубхона // Иштирокион. 1920.10.09; Абулфайз.

Эски шаҳарда қироатхона: [Эски Тошкентда Шарқ кутубхонасини очишга қарор қилинган] // Қизил байроқ, 1921.02.03; “Умид” кутубхонаси. Биринчи мартдан бошлаб Эски шаҳар Хадра маҳалласида “Умид” кутубхонаси очилди. Бунга илгариги “Туркистон” ва “Мактаб” кутубхоналарининг барча китоб ва ашёлари билан бирга бир қуб янги китоб ва асбоблар ортирилди. Эълон // Қизил байроқ, 1922.05.07; Тарихий ва диний кутубхона: [Сардарё музофотининг Маҳкамаи шаръияси масжиди жомеъида диний ва тарихий китоблар сақланадиган қироатхона ташкил қилишга қарор қилган] // Туркистон. 1923.09.12; мақолаларида кўриш мумкин.

“Иршод” кутубхонаси. “Иршод” кутубхонаси янгидан очилди: Хар хил китоблар сотилур ва олинур, “Қизил байроқ” ва бошқа газеталар хар вақт топилур. Билдириш // Қизил байроқ, 1922.02.12; – Ушбу мақоладан аён бўладикки, “Иршод” кутубхонаси янгидан ташкил этилганда кутубхонага нафақат китоб ўқини, балки бевосита китобларни харид қилиш ёки шахсий китоблар сотиш учун ҳам ташриф буюрилган.

Диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири – газеталарда кутубхона ҳақида фелъетонлар ҳам нашр этилган. (Аҳад. Татар социалистлари кутубхонасида: Кичкина фелъетон // Иштирокион. – 1918 авг.)

Бу даврдаги рўзномаларни таҳлил қилар эканмиз, зиёлилар томонидан кутубхонанинг ютуқ ва камчиликлари тўғрисидаги мақолаларнинг очик-ойдин чоп этилганига гувоҳ бўламиз: Аҳмадjon Ҳаким ҳожи ўғли, Мақсудий Абдували. Андижонда мусулмон кутубхонаси ҳақида // Иштирокион 1919.02.26; Мақсудий Андижон кутубхонасининг ҳоли // Туркистон 1922.09.15; Ўқувчи.



Эски шаҳар кутубхонасига назар солиш керак: [Давлат кутубхонасининг Шарқ шўъбаси ҳақида] // Қизил байроқ, 1922.08.29; А-б. Эски шаҳарда кутубхона ва қироатхона: [“Турон” кутубхонасини таъкид] // Қизил байроқ, 1921.10.04.

Кутубхона ҳақидаги танқидий қайдлар билан бирга у ерда фаолият юритган ходимларнинг китобхонлар устидан ёзган шикоятмунз мақолаларини ҳам учратиш мумкин: Якуб Хўжа. “Турон” кутубхонаси ва ўқувчилар [Кутубхонадан олинган китобларни топириш ҳақида китобхонларга мурожаат] // Қизил байроқ, 1920.12.21; Қосимхўжа ўғли, Иноятий Назир. Билдириш: [“Турон” кутубхонасидан китоб олиб, топишмаган кишиларга китобларни топириши учун 5 кун муҳлат берилган] // Иштирокион. 1920.07.01; Ўз ўрнида китобхонларнинг жавоб кўришидаги мурожаатлари ҳам газеталарда босилиб чиққан: Абдулвоҳид. Ҳақиқатдан хабарсиз ёқловчи: [“Турон” кутубхонасидан китоб олиб, қайтармаган киши ҳақидаги мақолага раддия ёзган “Қурсант Тавфиқ”га жавоб] // Иштирокион. 1920.03.16; Айрим мақолаларда кутубхона фаолиятини янада танқидлаштиришга оид тақлифлар ҳам нашр этилган: М.В.Кутубхоначилик курслари очилиши керак // Қизил байроқ, 1921.09.22;

Кутубхона ҳаётига оид мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, китоб масканлари фақат маълум қоида асосида ишламай, мусулмон халқ учун қулайлик яратиш мақсадида рамазон ойларида иш вақтларини кечки 22:00гача узайтирилгани кўрамиз: Кеҳаси соат 10 гача: [“Турон” кутубхонасининг эрталабдан кечки соат 22гача ишлаши ҳақида билдириш] // Туркистон. 1923.12.15; Ёхуд китоблар кўргазмаси ташкил этилганда бу ҳақда матбуотда эълон берилган экан. Эски мусулмон китоблар виставкаси // Иштирокион 1920.05.16;

Тарихдан маълумки, Туркистон аҳли маънавий ривожланиш йўлида ёшларни чет элларга таълим олишга юбориш билан бирга ўлкадаги мавжуд кутубхоналар-

га ўзларининг бегараз ёрдамларини ҳам аямаган: Мусулмон кутубхонасига зўр ёрдам: [Хидиралиев томонидан маориф шилари учун Инқилоб кўмитасига қолдирилган 1900 сўм пул ва 250 газ газламани Инқилоб кўмитаси раиси Урозалиев мусулмон кутубхонасига берган] // Туркистон. 1923.04.11; М.Қ. “Турон” кутубхонасини бойитиши йўлида: [Туркистон давлат нашриётида нашр этиладиган асарлардан кутубхонага 2 нусхадан доимий бериб туришга қарор қилинган. Озарбайжон Марказ Ижроқўми раиси

Оғамали ўғли ҳам Озарбайжонда чиқадиган китоб, газета ва журналлардан 2 нусхадан юбориб туришга вазда қилган] // Туркистон. 1924.10.13; 1923 йилда оренбурлик олим Аҳмад Исоқов ўзининг араб, форс ва турк тилларидида 5 минг нусхадан иборат китобларни кутубхонага совға қилди. Кутубхона 10 йил ичидида 20 мингдан зиёд тарихий ва замонавий мавзудаги китоблар билан ўз хазинасини бойитиб, ўзбек зиёлиларининг маърифий марказларидан бирига айланди.

Албатта, ушбу кўмак китобхонлар талаби битилган мурожаатдан келиб чиқиб амалга оширилган: Мактабдан ташқари маориф ишлари: [Мақолада ёзилишича, “Турон” кутубхонаси янги иқтисодий сўбатдан сўнг моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган, мутолаачилар янги китоблар олинishi талаб қилганлар] // Туркистон 1923.04.17;

“Турон” кутубхонасини бойитиш мақсадида ўзига хос тақлифлар ёзилган мақолаларни ҳам кўришимиз мумкин: Қалқон. Китоблар бўш ётмасин: [Янги Тошкент марказ Туркистон кутубхонасидида ўзбекча китобларни “Турон” кутубхонасига бериш тўғрисида тақлиф] // Туркистон. -1824.-16 окт.

Шунингдек, кутубхона кундалик ишларидан ўрин олган китобхонлар қатнови, у ерда ўтказилган тадбирлар хусусидаги мақолаларни ҳам учратиш мумкин: Мутолаачи. Эски Тошкент “Турон” кутубхонаси: [Кутубхонада 15 минг китоб, қироатхонада эса Туркистонда чиқадиган матбуот нашрларидан ташқари, Боку ва Татаристонда чиққан газета ва журналлар ҳам мавжуд бўлган. Кутубхонага хар куни 70 та китобхон келиб, китоб ўқиган] // Туркистон. 1924.08.12; Эшитгувчи. Китоб тўғрисида илмий гап: [“Турон” кутубхонасидида 1924 йил 27 май куни Эмонхон Эшонхўжаев томонидан “Китобнинг аҳамияти ва ундан фойдаланиш йўллари” мавзуда лекция ўқилган] // Туркистон. 1924. 1 июнь.

Дилноза АЗИМОВА, Тошкент шаҳар “Bilim” АҚМ ўқув заллари сектор мудири



Елгорликларимиз

Зурмала минораси



Ушбу ёдгорлик милодий II асрага оид бўлиб, Термиз туманида жойлашган. У Кушон подшолиги даврига тегишли иншоот ҳисобланади. Ибодатхоналардаги асосий ҳовончага ўхшаш жойда будда ашёлари сақланадиган минора бўлган. Зурмала ҳам шундай ҳовончасифат ва Ўрта Осиёдаги археологик қатламлардаги мақбаралар сирасига кирмайдиган маҳабатли меъморий обидалардан бири. Унинг

сирти қизил ғиштлар, будда дини мавзуларидаги тасвирлар ва нафис нахшлар билан безатилган оқ мрамор тахталар билан қўпланган. А.Стрелков уни ступа деб атаган. Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Зурмала минораси харобасининг баландлиги 14,5 метргача бўлган. Асосан тўғри тўртбурчак тархли (22x16 м), цилиндрсимон минора шаклида хом ғиштдан қурилган, тепасига қубба –

гумбаз ишланган, оқиш оҳақтош билан қўпланган. Асосида бўртма рельеф ҳайкаллар бўлган. Тоштахталар ҳамда тарошланган бўлак парчалари кўплаб топилиши туфайли Зурмала минорасининг ташқи қисми ҳам тош билан қўпланган деб тахмин қилинади.

Моҳигул ХАЛИЛОВА,
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси ходими

Фидокорона меҳнат рағбати

Ардоқли санъаткор, моҳир мурабий

Зомин туманида маданият ва санъат ривожланиши, миллий кўшқчилик, фольклор этнография қайта жонланиши, қадимдан маънавий мерос бўлиб келаётган халқ кўшқлари, лапар ва ўланларни ўрганиш, тиклаш борасида муттасил изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўлда кўпгина ютуқларга эришиб келаётган жонкуяр, ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлардан бири Шамси Жиямуротовдир.

матлари беқеъ эканини ҳамма билади. “Зомин сайқали” фольклор этнографик жамоаси қатор йиллар давомида вилоят ва республика миқёсида ўтказилган Бойсун баҳори каби катта сайллар, байрам, концерт дастурларида ўзига хос чиқишлар қилиб, бутун Ўзбекистонга танилди. 2014 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Наврўз” сайлларида ушбу жамоанинг ўзига хос чиқишлари, “Ота гов-гов” миллий ўйинини катта



Тўғма истевод соҳиби бўлган қахрамонимиз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика олийгоҳида ўқиб юрган вақтларидаёқ фольклоршуносликнинг ўзига хос томонлари – қадимги ўлан ва лапарлар, халқ озаки ижоди намуналари, меҳнат ва фасл, турли маросим кўшқларининг фарқи, ўзига хослиги, ҳудудлардаги айрим жиҳатларни кўриб билан ўрганишга киришганди.

Кейинчалик олий маълумотли мутахассис сифатида ўрта мактабда мусиқа фанидан ёшларга сабоқ бера бошлагач, бу қизиқ ўз-ўзидан кундалик ишнинг бир қисмига айланиб кетгани бежиз эмас. Изланишлари ортдан Зомин, Бахмал, Галлаорол, Фориш, Янгиобод туманларида, республикамизнинг Сурхондарё вилояти Бойсун элида ва Қашқадарёда ҳамда турли маҳалла ва қишлоқларда ижодий изланишлар олиб борди.

Қадимдаги миллий қадриятларимизнинг ноёб гавҳарларини улуг ёшли нурунийларимиздан ёзиб олиб, мухтасар рисола тайёрлади.

Устоздаги куюнчаллик, жонкуярлик, жамият манфаати, Ватан равнақи учун камарбасталик, энг муҳими, ташкилотчилик қобилиятининг борлиги сабаб туман маданият уйида раҳбар лавозимида фаолият юритди. Ўша вақтларда ҳам тумандаги ўнлаб иқтидорларнинг кашф этилишида, яхши-яхши кўшқлар яратилиши, миллий лапарларнинг қайта дунё юзини кўришига шахсан ўзи бош бўлди. “Зомин сайқали” фольклор этнографик жамоасининг тузилиши ва унинг репертуаридан жой олган қатор асарларнинг юзага келишида ҳам устоз хиз-

саҳнада намойиш этиши барчада ўзгача таассурот қолдирди. “Зомин сайқали” фольклор этнографик жамоаси ҳақида кўрсатувлар тайёрланди, газета ва журналларда санъатшунослар томонидан мунособ эътироф этилди.

Ардоқли санъаткор, моҳир мурабий бир неча йиллар Зомин туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори сифатида юзлаб болажонларни ўз бағрида тўплай олган даргоҳни бошқариб, иқтидорли, истеводли ўғил-қизларимизни санъатнинг нафис оламига ошно этди, қобилиятларини юзага чиқаришда ўзига хос жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, мусиқа ва санъат мактабидаги ўндан ортиқ йўналишлар қатнашчилари туман, вилоят ва республикадаги ҳамда Европадаги бир канча кўрик-танловларда онлайн иштирок этиб, I, II, III ва фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, Шамси Жиямуротовнинг маданият ва санъат соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эътиборга олинди, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Маданият ва санъат фидокори” кўркак нишонига сазовор бўлди. Бу ҳақли эътироф билан устозни юзлаб шогирдлари, уларнинг ота-оналари, зоминлик санъат ихлосмандлари ва касбдошлари номидан чин дилдан табриқлаб, келгусидани ижодий ишларига муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Муқофот муборак, азиз устоз!
Ўрол **ТОЖИБОВ**,
Зомин тумани 12-БМСМ ўқитувчиси

Беш муҳим ташаббус



Биз интиқ кутадиغان маънавият соати

Сўнгги йилларда республикамизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар, самарали ривожланишлар рўй бермоқда. Жумладан, юртбошимиз илгари сурган 5 та муҳим ташаббуснинг амалда бажарилиши ва турмуш тарзимизнинг кундан-кунга яхшиланиб бораётгани ҳам фикримиз исботидир.

Маънавият соати ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб ҳар ҳафтанинг жума кўни мактабимиз директори Б.Б.Усмонов ва унинг ўқув-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Н.Ш.Тошматовалар томонидан “Маънавият соати” ташкил қилинмоқда.

Аваллига бу бир соатлик дарсада турли йўналишдаги китоблар, “Маданият” газетасининг ҳар янги сони ўқиб, таҳлил қилиб келинди. Буюк ёзувчи ва адибларимизнинг дурдона асарлари ўқилганда ҳамма ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамда асардан олган таассуротларини ўртоқлашарди. Очиғи, бу тарзда йўналиш, китоб ўқишга одатланмагандик. Деяри ҳар биримиз технология тарққиёти асрида яшаётганимиз босм телефонга илҳом берганиб қолгандик. Кимдир хохлаб, кимдир истамай маънавият соатида қатнаша бошладик. Буни фахмлаган директор ўринбосари Н.Ш.Тошматова ҳар бир дарсни турли мавзуларда ранг-баранг ташкиллаштирди.

2018-2019 ўқув йилларида эса ҳамма ўз касбий фаолиятдан келиб чиқиб, турли мавзуларни кўтара бошладик. Шу асосида маърузалар тайёрладик. Натижада маънавият соатимиз ҳар хил кўриниш олди. Энг мазмун-

ли маъруза ёзган ва маънавият соатини ташкил қилган ўқитувчи раҳбарият томонидан рағбатлантирилди. Бундан руҳланган ҳамкасбларимиз ҳамтаъриф билан мавзусига мос кийиниб, дарсага қизиқишимизни янада оширди.

2020-2021 ўқув йилининг илк маънавият соатини ўқитувчиларимиздан М.А.Давронова ва М.Ш.Ибрагимовалар видеороликдан фойдаланган ҳолда бошлаб бердилар. Бу ташаббусдан руҳланган ҳамкасбларимиз кейинги маънавият соатини “Дустлик” мавзуси билан давом эттиришди. Навбатдаги дарслар – “Ота-онага эҳтиром”, “Қалб гўзаллиги”, “Фарзандлик бурчи”, “Аёл ифтити”, “Ўқитувчи маҳорати”, “Ватанимиз эътибори”, “Эҳсоннинг савоби”, “Либос – маънавият кўзгуси”, “Оила муқаддас” каби турли мавзулар билан бойитиб борилди. Ҳаттоки, маънавият соатида ёш ўқитувчимиздан М.А.Шарипова “Мусиқа” ҳақида мукамаллаштирилган тақдимот намойишини ўтказди. Ҳозирги кунда жамоамиз ҳар жумани интиқлик билан кутадиغان бўлишди.

Биз фурсатдан фойдаланиб, ҳаётимизни, маънавиятимизни бойитиш йўлида шундай ташаббусларни илгари сурган юртбошимизга, қолаверса, жамоамизни донолик билан бошқараётган раҳбарларимиз Б.Б.Усмонов ва Н.Ш.Тошматоваларга бутун жамоамиз номидан миннатдорлик билдираемиз.

Муаззам **ИБРАГИМОВА**,
Қўқон шаҳар 6-БМСМ ўқитувчиси

Она табиат кўриқхона



Ҳайвонот боғига ташриф

Жорий йилнинг 23 апрель кўни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Олимжон Номозович Термиз ҳайвонот боғига ташриф буюриб, олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар билан танишди. Боғнинг маъмурий ва ҳўжалик биноларини реконструкция қилиш, шунингдек, худудни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, ҳайвонларга зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, мавжуд хато ва камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича масъулларга вазифа ва кўрсатмалар бериб ўтди.

У.НОРБОВ,
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси бошлиғи в.б.

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: “Dildosh media” МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кўни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатида ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. “Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Солиқова

Адади - 8104 Буюртма - Г - 517

Сотувда келишилган нархда

Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 00.30

Топширилди - 23.40

1 2 3 4 5 6